



## ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

### КОНСТИТУЦИЯ – БИРДАМЛИК, ХУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ

Давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз байрами муносабати билан халқимизга йўллаган табриги ва унда кўтарилган масалалар ислохотлар ортга қайтмас тус олгани борасидаги ишончимизни янада мустаҳкамлади.

Жорий йил 30 апрель куни бўлиб ўтган умумхалқ референдумида халқимиз ўзининг юксак сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва дунёқарашини намоён этиб, янги тахрирдаги Конституциямизни яқдиллик билан қабул қилди.

Бош қонунимизда мамлакатимиз ривожланишининг сиёсий-ҳуқуқий асослари яратилиб, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари ҳимояси кафолатланди.



Янги тахрирдаги Конституцияда Ўзбекистоннинг беш устуни, яъни суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани қатъий белгилаб қўйилди, унинг мазмуни тубдан такомиллаштирилиб, янги боб ва моддалар билан бойитилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий давлатда барча фуқаролар қонун олдида тенг, давлат ҳокимиятининг олий органлари ҳам қонунларга бўйсунди ва унинг муқаррар ижросини таъминлайди. Ижтимоий давлат эса ҳар бир фуқарога муносиб турмуш кечириши учун шарт-шароит

яратиш мажбуриятини зиммасига олади. Бу мавжуд ресурсларни ижтимоий адолат тамойиллари асосида тақсимлаш, жамиятда кучли табақаланиш авж олишига йўл қўймастик, энг заиф қатламлар учун ҳам сифатли таълим ва тиббиёт кафолатланиши, самарали ижтимоий ҳимоя дастурлари ишлаши, имконияти чекланган ва кўмакка муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш, адолатли меҳнат қонунчилиги ва пенсия тизими кабилар шулар жумласидан.

Давоми 3-бетда

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИНING 75 ЙИЛЛИГИГА

### РАҚАМЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ МЕХАНИЗМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Ўзбекистон инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва кадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлат, очик ва адолатли жамият барпо этиш маъсулиятини олган. Янги тахрирда қабул қилинган Конституциямиз муқаддимасига муҳрланган ушбу сатрлар мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотлар асосини ташкил этади.

Қолаверса, умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган Бош қонунимизда инсон қадри, манфаати учун хизмат қиладиган нормалар аввалгисидан 3 баробар кўпайган. Хусусан, агар шахснинг ўз айбини тан олгани унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги олий юридик мақомга эга бўлган ҳужжатда қатъий белгиланди. Бу эса қийноқ ҳолатларини келтириб чиқарувчи омишларни бартараф этишга қаратилган муҳим қадам.



Шу кунларда 75 йиллиги нишонланган муҳим халқаро тарихий ҳужжат — БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 5-моддасида ҳам ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, ғайринсоний, кадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазога

дучор этилиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 20 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқида мамлакатимиз "Инсон қадри ва манфаатлари

учун" деган эзгу гоя асосида демократия ва адолат тамойилларини мустаҳкамлашга қаратилган туб ислохотлар йулидан дадил бораётганини яна бир бор қатъий таъкидлади.

Давоми 3-бетда

## ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ МИС ЭРИТИШ ЗАВОДИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ

### ТАРИХИ ҚАДИМИЙ, КЕЛАЖАГИ ЁРҚИН

Шу йил декабрь ойининг сўнгги ҳафтасида Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг асосий ишлаб чиқарувчи корхонаси — мис эритиш заводи ташкил топганига 60 йил тўлади. Завод бутунги кунда катодли мис, олтин ва кумуш, селен, теллур, сульфат кислотаси, мис купороси, аммоний перренат, куйдирилган молибден ярим тайёр маҳсулоти ва эмалланган сим ишлаб чиқарувчи, хомашё таркибидаги асосий металлларни ажратиб олиш учун тўлиқ технологик жараёнга эга бўлган замонавий корхонадир.



Мис эритиш заводи Олмалиқ кон-металлургия комбинатиди маъдан қазиб олиш, бойитиш, қайта ишлаш каби ишлаб чиқариш жараёнлари технологик занжирининг якуний босқичида

турувчи муҳим бўлинма. Комбинатдаги 35 мингдан зиёд ишчи-ҳодимнинг машаққатли ва заъворли меҳнати маҳсули айни шу заводда юзага чиқади, деб бемалол айтиш мумкин.



Инсоният мисдан қадимдан кенг фойдаланиб келади. Милодий IV асрдан XII асргача Ўрта Осиёнинг марказларидан ҳисобланган Шош ва Илоқда металл эритиш, мис, кўргөшин, олтин, кумушни ажратиб олиш жуда ривожлангани қадимий археоло-

гик топилмалар орқали исботланган. Тарихий манбаларга кўра, Олмалиқ худудида мис ишлаб чиқариш тизими мустаҳкам қадимий пойдевор асосига қурилган.

Давоми 4-бетда

## МУНОСАБАТ

### АКАДЕМИЯНИНГ ҚАЙТА УЙҒОНИШ ДАВРИ ИЛМ-ФАН РИВОЖИГА ЯНГИ ҲАЁТ БАҒИШЛАДИ

Шу кунларда кенг жамоатчилик, илм-фан ходимлари Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил топганининг 80 йиллигини нишонламоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 9 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ташкил топганининг 80 йиллигига бағишланган юбилей тадбирларини ўтказишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ юқори савияда ўтказиладиган юбилей тадбирларида дунёнинг нуфузли илм даргоҳларидан 50 дан ортик олим ва академик иштирок этмоқда.



Давоми 5-бетда

## БУГУННИНГ ГАПИ



### ИССИҚЛИК ТИЗИМИ ҚИШ ҚАҲРАТОНИГА ТАЙЁРМИ?

Декабрнинг иккинчи ўн кунлиги юртимизга совуқ ҳаво оқими кириб келиши билан бошланди. Тўғри, ўтган ҳафта ҳам кўпгина худудларга қор ёққан ва шунга яраша нисбатан совуқ ҳарорат кузатилган эди. Лекин шу ҳафта аввалидан бошланган қорли ва изгиришли об-ҳаво кўпчиликни шошириб қўйди. Айни ҳолат аҳоли хонадонлари, ижтимоий соҳа муассасалари ва корхоналар иссиқлиги, уларнинг энергияга талаби қай даражада қондириляпти, деган саволларни куннинг долзарб мавзусига айлантди. Бу мавсум ҳам аномал совуқ кузатилса, уйларимиз исийдими ёки январдаги ҳолат такрорланадими, деган ўй ҳам кўпчиликни ташвишлантираётгани бор гап.

Давоми 2-бетда

## ДОЛЗАРБ МАВЗУ

### АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

### маънавий-ахлоқий БУРЧИМИЗДИР

Дунё ҳамжамияти иқлим ўзгариши туфайли юзага келадиган муаммо ва таҳдидларга қарши курашмоқда. Бошқача айтганда, инсоният ўз хатосини ўзи тўғрилашга ҳаракат қилмоқда.

Давоми 4-бетда









